

БМТ Тараққиёт дастурининг Ўзбекистондаги доимий вакили билан учрашув бўлиб ўтди

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Танзила Нарбаева БМТ Тараққиёт дастурининг Ўзбекистондаги доимий вакили Матильда Димовски билан учрашди.



Учрашувда БМТ Тараққиёт дастурининг Ўзбекистондаги фаолияти доирасида ўзаро ҳамкорлик қилиш масалалари муҳокама қилинди. Томонлар ҳамкорликни янада ривожлантириш аниқ соҳалари ва йўналишларини ҳам белгилаб олдилар.

Бундан ташқари, 2020 йил мобайнида ишлаб чиқиладиган ва амалга ошириладиган қўшма лойиҳаларнинг асосий йўналишлари ҳақида келишувга эришилди.



Манба